Улуғ ва Буюк Роббимиз ҳар туннинг охирги учдан бир қисми қолганида дунё осмонига тушар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Улуғ ва Буюк Роббимиз ҳар туннинг охирги учдан бир қисми қолганида дунё осмонига тушар ва: "Ким Менга дуо қилаяпти, ижобат қиларман, ким Мендан сўраяпти, ато қиларман, ким Мендан истиғфор сўраяпти, уни кечиргайман!», –дер».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда Аллоҳ таоло ҳар туннинг учинчи бўлими қолганда, дунё осмонига тушишини ҳамда уларни дуо қилишга, хоҳлаган нарсаларини сўрашга, истиғфор айтишга қизиқтиришини, ундашини ҳамда Аллоҳ уларни дуосини ижобат қилишини, сўраганларини беришини ва мўмин бандаларининг гуноҳларини кечиришини баён қилдилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/10412